

BUILDING MATERIALS INDUSTRIAL PRODUCTION EXTRACTION ECONOMIC EFFICIENCY INCREASING ISSUES

Ахмадалиева Мохигул Кадировна

Фарғона давлат университети

Annotation

The article highlights issues of increasing the economic efficiency of enterprises producing construction materials, including rising costs, limited resources and increased competition in the industry.

Keywords: efficiency, absolute efficiency, relative efficiency, cost price, profitability.

Кириш

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш шароитида, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада соҳани ривожлантириш ва изчил диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, импорт ўрнини босувчи маҳаллий минерал хомашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий қурилиш материалларини экспорт ҳажмини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда халқимизни қулай, сифатли ва арзон уй-жой билан таъминлаш, нотураб, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ишларида сифатли, арзон, янги турдаги қурилиш материалларига талаб ва таклиф тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада такомиллаштириш юзасиданички ва ташқи бозорларда қурилиш материалларига бўлган талаб конъюнктураси ошириш, чет эл бозорларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш асосида янги инновацион қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдириш ва уларнинг экспортни кенгайтириш, инновацион қурилиш

материаллари ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашишдир.

Қурилиш саноатининг самарадорлигини ошириш имконияти кўп жиҳатдан қурилиш материаллари саноатининг ривожланишига боғлиқ. Кейингилардабу соҳадаянги инновацион технологик усуллардан фойдаланиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш хажминикескин ортиб бориши, ички ва ташқи бозорларда сифатли маҳсулотлар турларини кўпайиши кўзга яққол ташланмоқда.

Адабиётлар тахлили

Самарадорлик латинча "effectus" сўзидан олинган бўлиб – ижро, ҳаракат маъносини англатади. Самарадорлик – у ёки бу тадбирларни амалга ошириш натижасида эришилган ютуқдир. “Иқтисодий самарадорлик” тушунчаси эса самарадорлик тушунчасидан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўрганилаётган даврда (кун, ҳафта, ой, чорак, йил ва ҳақозо) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда улар натижасида олинган соф фойда миқдори билан таққосланади. XIX асрнинг охирида “иқтисодий самарадорлик” тушунчалари олимлар томонидан кенг миқёсда тадқиқ қилина бошланган. Хорижий тадқиқотчилар орасида А. Смит, Д.Рикардо, К.Менгер, В.Парето, Т.Веблен, В.Митчелл, Р.Саерта ва бошқалар самарадорликни иқтисодий категория сифатида кўриб чиқишган.

Италян олими Вильфредо Парето (1848-1923) изланишлар натижасида “самарадорлик – бу, бозордаги шундай вазиятки, унда бирор киши бозордаги ўз ҳолатини бошқага халақит бермасдан ўзгартира олмайди”, – деган хулосага келди. Шу сабабли бу самарадорлик “Парето самарадорлиги” деб аталди.

К.Р.Макконнелл, С.Л.Брюлар эса самарадорликни “камёб ресурслардан оқилона фойдаланиб, инсонлар эҳтиёжини қондириш” деб тушунтирадилар.

Самарадорлик масалаларига ўзбекистонлик олимлар М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов, М.Қ.Пардаев, Б.Абдукаримов, Қ.Х.Абдурахмонов, С.С.Ғуломовлар самарадорликка ишлаб чиқаришдан

олинган натижани ресурс сарфлари билан боғлаган ҳолда ўз фикрларини билдирганлар.

Лекин олиб борилган тадқиқотларда айнан қурилиш материаллари саноати тармоғидаги корхоналар иқтисодий самарадорлиги, унинг кўрсаткичлари, унга таъсир этувчи омиллар бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси

Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаш ва унга баҳо беришдан мақсад самарадорликка нималар ҳисобига эришилганини аниқлаш ва яна қандай омиллар эвазига уни ошириш мумкинлигини белгилашдан иборат. Самарадорлик тушунчасини иқтисодий фаолиятга асосланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсаларга, хусусан, ишлаб чиқаришнинг ресурслар харажатларига нисбати сифатида кўриб чиқилади. Мамлакат қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш келажақда уларни мўл-кўл яратиш ва уларни илмий техник-технология бўйича ривожланган давлатлар қаторида жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Умуман олганда, жамият учун мақбул бўлган иқтисодий самарадорлик бозор натижаларига ишора қилади. "Иқтисодий самара" ва "иқтисодий самарадорлик" тушунчалари бозор иқтисодиётининг энг муҳим тоифалари қаторига киради. Бу тушунчалар бир-бири билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам амалда улар доимо ўзаро боғланган ва корхона фаолиятининг турли томонларини баҳоловчи ёки ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланадилар. Кўрсаткич - бу ҳодиса, ҳаракатнинг бирон бир томонини, уларнинг миқдорий ёки сифат хусусиятларини ёки маълум бир ишнинг бажарилиш даражасини тавсифловчи белгидир. Корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда рентабеллик меъёри кўрсаткичидан фойдаланилади.

Рентабеллик

буресурслар: хомашё, ходимлар, пулвабош қамоддийвано моддийактивларқанчаликсамаралиишлатилишиникўрсатадиганиқтисодий кўрсаткич. Ушбу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришда иқтисодий вазифанинг ҳар қандай вариантыни ижтимоийиқтисодийафзалликлари, кўриб чиқиладиган вазифаларни танлаш, уни амалга оширишда жорий ва доимий харажатлар нисбати бўйича энг самарали бўлган мақсадлар учун белгиланади. Уларнинг ҳар бири соф фойданинг маълум бири қийматга нисбати сифатида ҳисобланади :

Активларга- активлар рентабеллиги (ROA).

Тушумга– сотув рентабеллиги (ROS).

Асосий воситаларга - асосий воситалар рентабеллиги (ROFA).

Капиталга - ўз капиталининг рентабеллиги (ROE)

Сотув рентабеллиги- компаниянинг самардорлигини баҳолашнинг асосий молиявий кўрсаткичларидан биридир ва қуйидагича ҳисобланади:
 $ROS = (F / T) 100\%$, (1.1)

бу ерда:

ROS – сотув рентабеллиги; (сум)

F– соф фойда (хизмат ва ишлар); (сўм)

T – маҳсулот ёки хизматни сотишдан тушум .(сўм)

Кўрсаткичнинг ўсиши компаниянинг аввалгидан кўра самаралироқ ишлаётганидан далолат беради. Даромадлиликнинг камайиши сотиш ҳажмининг пасайишини акс эттиради ёки иқтисодий фаолиятнинг самарасизлигини кўрсатади.

Активлар рентабеллиги- (return on assets, ROA)

$$ROA = (Sf / A) 100\% \quad (1.2)$$

бу ерда:

Sf - соф фойда;

A – ўртача йиллик активлар;

Активларни рентабеллиги - бу корхонанинг барча активларидан фойдаланиш рентабеллигини тавсифловчи молиявий кўрсаткич.

Бу коэффициент корхонанинг капиталнинг тузилишини (молиявий левиредж), активларни бошқариш сифатини ҳисобга олмасдан фойда

олиш қобилиятиникўрсатади."Капиталнинг рентабеллиги" кўрсаткичидан фарқли ўларок, бу кўрсаткич нафақат ўз маблағларини, балки корхонанинг барча активларини ҳисобга олади. (ROA) индекси ҳар бир инвестиция қилинган пул бирлиги учун фойда миқдорини ҳисоблаш орқали ташкилотнинг молиявий ишончлилиги, кредит қобилият иваинвестиция жозибадорлигини таҳлил қилиш имконини беради. Инвесторларни ҳам бу молиявий кўрсаткич кўпроқ қизиқиш уйғотади. Қувасой шаҳрида жойлашган "KVARTS" АЖ фаолиятида ҳам иқтисодий узгаришларнинг ўсиши йилдан йилга ортиб борапти. Маълумки, пандемиянинг тарқалиши ортидан бутун дунё давлатлари иқтисодий инқирозга юз тутди. Глобал ҳамжамиятнинг бир бўғини сифатида глобал инқирознинг салбий таъсири Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Вируснинг кенг тарқалиши натижасида дунё иқтисодиётида фаоллик пасайиб, қурилиш соҳасига шунингдек чамбарчас боғлиқ бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан "KVARTS" акционер жамиятининг иқтисодий кўрсаткичларга ҳам ўз таъсирини билдирди. Қуйидаги жадвалда корхонанинг бир нечта молиявий курсаткичлар акс этирилган.

Қувасой шаҳар "Кварц" А/Ж корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				Мутлақ оғиш нисбати		
		2019	2020	2021	2022	2020/ 2019 нисбати	2021/ 2020 нисбати	2022/ 2021
Сотув рентабеллиги ROS %	%	8	15	13	10	1.87	0.86	0.76
Активлар рентабеллик даражаси ROA %	%	5,3	6,8	5,7	7	1.28	1.03	1.22

Манба: "Фарғона вилояти Қувасой шаҳар корхонаси "АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Қувасой шаҳар "Кварц" А/Ж корхонасида иқтисодий кўрсаткичлардан сотув рентабеллиги динамикасини кузатишимиз мумкин. 2020 йилда 15% га сотув

рентабеллиги ўсиши 2022 йилга нисбатан кузатилмоқда. Нуқтаи назардан белгиланган меъёр бўйича сотув рентабеллиги ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, корхона юқори иқтисодий ўсишга тайёр эканлигини ағлатади.

Активлар рентабеллиги – бизнес муваффақияти ҳисобланади. Акционер жамиятда 2019-2022 йилларда активлар рентабеллиги кўрсаткичи 5,3% дан 7 %га ўсиш томон ўзгармоқда. Активларнинг юқори рентабеллиги компаниянинг камроқ инвестициялар билан кўпроқ даромад олишини кўрсатади.

Корхонада сотув ва активлар рентабеллигининг юқори бўлиши иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади.

Хулоса

Умуман олганда, иқтисодий самарадорлигини ошириш хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган бутун ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўналишларини аниқлашни ўз ичига олган яхлит ёндашувни талаб қилади. Автоматлаштирилган технологиялар ишчи ходимларга нисбатан тезроқ ва аниқроқ ишлаши мумкин, натижада маҳсулотнинг ишлаб чиқиш тезлиги ортади ва хатоликлар камроқ бўлади. Бундан ташқари, сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқишини олдини олади, меҳнат харажатларини камайтириши ва хавфсизликни пасайтириши мумкин. Тежамкор ишлаб чиқаришда чиқиндиларни минималлаштириш ва қийматни оширишга қаратилган, ишлаб чиқариш жараёнларини доимий мониторинг қилиш ва таҳлил қилишда узлуксиз такомиллаштиришни ўз ичига олади. Етказиб берувчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва логистикани оптималлаштириш орқали, компаниялар ишлаб чиқариш вақтини қисқартириши ва ишлаб чиқариш режасини такомиллаштириш мумкин. Юқорида келтирилган автоматлаштириш, тежамкор ишлаб чиқариш, доимий такомиллаштириш, таъминот занжирини оптималлаштириш ва ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш каби стратегияларни амалга ошириш орқали компаниялар юқори ишлаб чиқариш ставкалари, паст харажатлар ва умумий муваффақиятларга эришишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодиёти. Ўқув қўлланма С.О.Ибрагимов “ТАҚИ”, Т.: 2021, бет
2. Азимова Феруза Пайзиевна – Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти, мустақил изланувчи “ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ” Иқтисодиёт ва таълим / 2020
3. Akhmadaliyeva, M. (2023). O'ZBEKISTON TO'QIMACHILIK SANOATINING INNOVATSION FAOLIYATI VA MUAMMOLARI. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 73-77
4. Akhmadaliev, M. (2023). WAYS OF INCREASE EFFICIENCY IN BUILDING MATERIALS ENTERPRISES. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(5), 755-760.
5. Qodirovna, A. M., & Doniyor o'g'li, O. J. (2023). ASOSIY IQTISODIYOT MUAMMOLARINI YECHISHDA O'ZBEKISTON INFRATUZILMASIGA INVESTITSİYALARNING O'RNI. Gospodarka i Innowacje., 34, 21-27
6. ASOSIY IQTISODIYOT MUAMMOLARINI YECHISHDA O'ZBEKISTON INFRATUZILMASIGA INVESTITSİYALARNING O'RNI. Gospodarka i Innowacje., 34, 21-27.